# Куч—адолатда

2014 йил
24 октябрь,
жума
№ 43 (504)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

Раджабов Джўра Одилович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси штаб бошлиғи

**II даражали "Шон-шараф" ордени билан**

Джураев Муроджон Турдибаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Жумабаев Ерназар Абдикадирович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати батальони командири

**"Дўстлик" ордени билан**

Абраев Гайрат Рамазанович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими катта эксперти

Хен Эдуард Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

Хожаназаров Сатбай Бектурсинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**"Мардлик" ордени билан**

Равшанов Кенжа Кулдашевич — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми смена бошлиғи

Эшбаев Баҳром Холбоевич — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.*

*Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.*

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13-модда.**



# ИНСОН АЗИЗ, ИНСОН МУКАРРАМ

*Ҳаёт гултожи*

Инсон — ҳаёт гултожи. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий бу оламнинг яратилишидан мақсад аввало инсон эканини таъкидлайди:

*Бу чаман ўлмоғида*
*мавжуд анга,*
*Бор эди инсон гули*
*мақсуд анга.*

Улуғ шоир борлиқдаги жамики нарсалар инсон учун дер экан, уни мақомига монанд барча мавжудотдан азиз ва мукаррам бўлишга ундайди. Зеро, чаманнинг кўрки-таровати хушбўй ифор таратувчи гул бўлганидек, инсон ҳам яхши ва эзгу амаллари билан ҳаётни безаши керак.

Ҳа, ширин сўзи билан ҳар бир қалбни бўстонга, меҳнати билан чўлни гулистонга айлантиргувчи инсон буюк қадрият. Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон қадр топди. "Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун!" тамойили жамиятимизнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларнинг бош ғояси, асосий мақсадига айланди.



Президентимиз Ислом Каримовнинг "Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш" экани борасидаги фикри ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолатланган, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига асосланган демократик Конституциямиз бахтли ҳаётимизнинг асосий гарови бўлмоқда.

Чорак аср муқаддам мамлакатимизда пахта яккаҳокимлигининг авж олиши оқибатида аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси пасайган, қашшоқлик, оналар ва болалар ўлими кучайган, экологик вазият ғоят зўриқаётган, энг ёмони, ушбу муаммолар очиқ-ойдин кўриниб турса-да, ҳаётимиз, тақдиримиз, келажагимизга ҳеч ким эътибор бермас эди.

— Боламизни опичлаб, саҳармардонлаб далага чиқиб кетардик, — деб эслайди бахмаллик Ҳалима Бердиқулова. — Куни билан ишлаб, ҳориб уйга келгач, рўзғор юмушларини бажаришга тутинардик. Эрта учун овқат тайёрлардик, кир ювардик. Ўт ёқиб, тандир қиздирганча яна тонг ёришарди. Баъзан этигимизни икки-уч кунлаб ечмай юришга тўғри келган пайтлар ҳам бўлган.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*Yangi qonun mohiyati*

# Биржалар фаолияти

## қонунчилик асослари такомиллашувидаги муҳим босқич

**Мамлакатимизда биржалар фаолияти жадал ривожланмоқда. Айниқса, электрон харид тизимининг жорий этилиши биржалар фаолиятини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди. Бу, бир томондан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, бюджет маблағларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун янада мустаҳкам замин яратди.**

Юртимиз биржаларида электрон савдолар ҳажми изчил ортиб бормоқда. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида корпоратив харидлар бўйича бу борадаги кўрсаткич 263,2 миллиард сўмни ташкил этгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Ҳозирги кунда корпоратив харидлар электрон тизимида 3 мингта буюртмачи ва 9 мингдан зиёд етказиб берувчилар аккредитациядан ўтган бўлиб, улардан 93 фоизини кичик бизнес субъектлари ташкил этади. Шунингдек, корпоратив харидлар бўйича тузилган битимларнинг 96 фоизи ва улар умумий қийматининг 95,5 фоизи ҳам айнан кичик бизнес субъектларига тўғри келмоқда.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, электрон савдоларни ташкил этиш ва ўтказишда биржалар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонун ҳужжатларини бугунги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Бу борада 2014 йил 12 сентябрда матбуотда эълон қилинган **"Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**"ги қонун муҳим ўрин тутади.

Янги қонун Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу янги таҳрирдаги қонунда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи талаблари асосида киритилган бир қатор янгиликлар ўз ифодасини топган.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Munosabat va mulohaza*

# Сайловолди ташвиқотининг ҳуқуқий асослари

**"Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғли демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиширодасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир".**

Ушбу фикрлар давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ўз ифодасини топган. Ҳақиқатан ҳам, сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг муҳим шаклидир.

Сайлов жараёнининг энг масъулиятли босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти ҳисобланади. Сайловолди ташвиқоти сайлов жараёни қатнашчилари учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Чунки айнан шу ташвиқот жараёнида депутатликка номзодларнинг фаоллиги тубдан ортади.

Шу маънода сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партиялар учун ўзига хос синовдир. Сайловолди ташвиқотининг қандай ўтказилиши сиёсий партия электорати сонининг кўпайиши ёки камайишига, демакки, сиёсий партия мавқеининг кўтарилиши ёки тушиб кетишига олиб келиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳатга, яъни сайловолди ташвиқоти орқали сиёсий партия ўз дастурининг йўналишлари, сайловда қатнашиш стратегияси ва тактикасига тегишли ўзгаришларни киритиш имкониятига ҳам эга бўлишига алоҳида эътибор қаратиш ўринлидир.

Шуни таъкидлаш керакки, 2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказиладиган умумхалқ сайловлари жараёнида сайловолди ташвиқоти муҳим аҳамият касб этади.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Qonun ijodkorligi*

# Процессуал қонунчиликни такомиллаштириш

## фуқаролик ишларини ўз муддатида, қонуний ҳал этишга ҳамда ортиқча сансалорликнинг олдини олишга хизмат қилади

**Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларга бугунги давр талабидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Бу, ўз навбатида, одил судлов самарадорлигини янада ошириш, ишларни ўз вақтида кўриб, қонуний ҳал этиш ва энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, Олий суд Пленумининг 2014 йил 17 октябрдаги навбатдан ташқари йиғилишида қонунчилик ташаббуси асосида амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 5 та моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш юзасидан тайёрланган қонун лойиҳасини тасдиқлаш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва Тадқиқот маркази томонидан суд амалиёти ва статистик маълумотлар таҳлилий ўрганилиб, аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан бир йил давомида Фуқаролик процессуал кодексининг 65-моддасига асосан, бошқа фуқаролик ишлари бўйича судларга, Фуқаролик процессуал кодексининг 390-моддасига кўра, чет эл судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида 300 дан зиёд топшириқ хати билан мурожаат қилинган. Ушбу топшириқ хатлари тегишли судлар томонидан бир ойдан уч ойгача, баъзи ҳолларда эса, ундан ҳам узоқ муддатда ижро этилган.

Топшириқ хатларининг ўз вақтида ижро этилмаслигига оралиқ масофанинг узоқлиги боис, суд топшириқ хати кеч бориб тушганлиги, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш муайян вақтни талаб қилиши ва ишдаги тараф ёки гувоҳни кўрсатилган манзилдан топиш имкони бўлмаганлиги сабаб бўлган.

Маълумки, бошқа судга юборилган топшириқ хатига жавоб олмай туриб, суд низо бўйича қонуний тўхтамга келиши қийин.

Судлар томонидан, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, яъни бошқа судга юборилган алоҳида топшириқ хатининг жавобини кутган ҳолда муддат бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар 2014 йилнинг 9 ойида жами белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаган 463 та ишнинг аксарият қисмини ташкил этади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида эса, суд топшириқ хати юборилгани туфайли иш юритишни тўхтатиб туриш назарда тутилмаган.

**(Давоми учинчи бетда)**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
### ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

**"Жасорат" медали билан**

Абдуллаев Илхом Сайфутдинович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Бадалов Бекмурод Давлаталиевич — Наманган вилояти Уйчи тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Байматов Хасан Тургунович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнғинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

Жуманиязов Мурат Айтмуханбетович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Исмоилов Улуғбек Нематович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Қудратов Вахоб Холматович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисми бўлинма командири

Нуркулов Обиджон Алимжонович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси

Рахимов Бахтиёржон Йўлдашович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Самадов Жалол Мавлонович — Қашқадарё вилояти Қамаши тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

Ташпулатов Рустам Абдумажитович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**"Содиқ хизматлари учун" медали билан**

Гаффаров Комилжон Исраилович — Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ички ишлар бошқармаси терговбўлими бошлиғи

Ғозибеков Тўлқин Ҳабибуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

Джалалов Фарход Камалович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Жуманазаров Мухторбек Маткаримович — Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Исмаилов Бахтиёр Тухтасинович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими катта эксперти

Каримова Гулрух Расуловна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси тиббиёт бўлими катта инспектор-шифокори

Саиткаримов Фахриддин Пазлитдинович — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

Тошпўлатов Қобил Абдумуротович — Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Хаклиев Валижон Бадалович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра доценти

Шахакимов Шоасрор Шамурадович — Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фельдъегерлик хизмати бўлим бошлиғи

**"Шуҳрат" медали билан**

Кодиров Улугбек Мирзаевич — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бўлинма командири

Мирзаев Ёқутжон Исроилжонович — Фарғона вилояти Бағдод тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Рашитов Маъруфжон Бахтиёр ўғли — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси инспектори

Тангриев Жамшид Олимович — Бухоро вилояти Когон шаҳар ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи

Умаров Неъматулла Асатуллоевич — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлинма бошлиғи

Худаков Кутлимурат Каландарович — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди ёнғин ўчирувчиси

Шокиров Илхомжон Муродалиевич — Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 23 октябрь

---

**Бу йил "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганига 25 йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий судида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов иштирок этди.**

*Xabar*

## Тил – миллат кўзгуси

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида она тилимизга миллатнинг руҳи, деб таъриф берилган.

Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлиши, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингиши алоҳида таъкидланган.

Ҳақиқатан ҳам, халқнинг, миллатнинг мавжудлиги, аввало, унинг ўз тилига эгалиги билан белгиланади. Шу боис мамлакатимизнинг мустақиллик сари илк қадамлари бундан 25 йил илгари ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан бошланди.

Тадбирда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1989 йилнинг 21 октябрида "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниб, ўзбек тилининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди. Иш юритиш, таълим-тарбия жараёнлари ва бошқа муносабатларда давлат тилининг устувор аҳамияти белгилаб қўйилди. Бу жиҳатлар Ватанимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Ўтган йиллар давомида ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашув ва суҳбатлар, музокараларда тилимизнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб, нуфузли халқаро анжуманлар ва бошқа тадбирларда ўзбекона калом янграши, хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тилини ўрганиш марказлари ташкил этилаётгани, ўзбек тилини ўрганувчилар, унга қизиқувчилар сафи кенгаяётгани барчамизга ғурур-ифтихор бахш этади.

Тил — миллатимиз фахри, ғурури. Тил бор экан, миллат барҳаёт, унинг истиқболи нурли ва чароғондир. Шу маънода, тадбирда сўзга чиққанлар томонидан алоҳида қайд этилганидек, "Давлат тили тўғрисида"ги қонун меъёрларининг бажарилишини таъминлаш фақат тегишли идора ва мутасаддиларнинг вазифаси эмас. Бу ишга ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

**Бобомурод РАЙИМОВ**

---

*Muloqot*

## Савол беринг, жавоб берамиз

***— Айтинг-чи, никоҳ шартномаси тузиш мажбурий ҳисобланадими?***

***З. БАДАЛОВА,***
*Тошлоқ тумани*

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, никоҳ шартномаси тузиш ихтиёрий. Оила кодексининг 29-моддасида никоҳ шартномаси ҳақида сўз юритилган бўлиб, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси ҳисобланади.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

**Саволга ҳуқуқшунос С.Ниёзова жавоб берди.**

---

*Munosabat va mulohaza*

## Сайловолди ташвиқотининг ҳуқуқий асослари

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Зеро, кейинги даврда миллий сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш асносида амалдаги қонунларимизга сайловолди ташвиқотига доир янги нормалар киритилди. Сайловолди ташвиқотининг ҳуқуқий асослари моҳиятини очиб беришнинг долзарблиги ҳам шунда.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги ва бошқа қонунларда сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир қоида-талаблар мустаҳкамланган.

Аввало, "сайловолди ташвиқоти" тушунчасига тўхталиб ўтиш лозим. Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Қонунчиликда сайловолди ташвиқотининг турлари, шакллари ва усуллари аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади: биринчидан, сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиши мумкин. Иккинчидан, депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш орқали сайловолди ташвиқоти амалга оширилади.

Шунингдек, сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш каби шаклларда олиб борилиши мумкин.

Қонунда сайловолди ташвиқотини амалга оширишнинг бир неча усули кўзда тутилган. Бу ўринда сайловолди ташвиқотини, бир томондан, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали олиб бориш ҳақида сўз бормоқда. Иккинчи томондан, сайловолди ташвиқоти босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материаллари, яъни плакатлар, варақалар каби материалларни чиқариш ҳамда тарқатиш орқали, учинчидан, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Авваламбор, сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш масаласига тўхталадиган бўлсак, у қуйидагича амалга оширилади. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, ҳажмига кўра, бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Қонунга мувофиқ, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин. Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси, Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг яна бир усули сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади. Бунда сайловчилар билан учрашувлар депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Уларни ўтказиш жойи ва вақти, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шартлиги қонунда белгилаб қўйилган.

Миллий қонунчилигимиз талабига кўра, сайловолди ташвиқотини депутатликка номзодлар номидан уларнинг ишончли вакиллари ҳам олиб бориши мумкин. Халқ депутатлари вилоят, туман ёки шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритади. Шу билан бирга, улар маҳаллий давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида тегишли номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олиб, уларга гувоҳнома беради. Амалдаги қонунга кўра, депутатликка номзод, округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда, сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ўз навбатида, ишончли вакил истаган вақтида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақлидир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун барча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган ва бу амалда ўз ифодасини топмоқда. Бинобарин, буларнинг барчаси истиқлол йилларида юртимизда самарали демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ғоят чуқур ўзгаришлар амалга оширилганининг ўзига хос далолатидир.

**Давронбек ОЛИМОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими*

---

*Qonun ko`magi*

## Фуқароларнинг

**Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар жараёнида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Бу борада адлия идоралари томонидан ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Жиззах вилояти адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида фуқаролардан 164 та ариза келиб тушди. Айтиш керакки, адлия бошқармаси ходимлари томонидан ушбу мурожаатлар қонун доирасида ўрганиб чиқилди ва уларнинг натижаси бўйича тегишли идораларга 25 та тақдимнома, 15 та огоҳнома ва судларга 65 та 97.815.187 сўмлик даъво аризаси киритилди.

Масалан, Жиззах туманида яшовчи Н.Исломова адлия бошқармасига ёзган аризасида 2004 йилдан буён Жиззах Санъат коллежида она тили ва адабиёт фанидан дарс бериб келгани, 2011 йил 1 февралдан ҳомиладорлик таътилига чиққани, аммо 2013 йил давомида коллеж директори Н.Тоштемировга бир неча марта ишга қайтишни сўраб қилган мурожаати жавобсиз қолганини қайд этиб, бу борада амалий ёрдам беришни сўраган.

Адлия бошқармаси томонидан Н.Исломованинг мурожаати атрофлича ўрганиб чиқилди ва коллеж раҳбарияти номига қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда Н.Исломованинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимнома натижасига кўра, Жиззах санъат коллежи директорининг 2014 йил 26 августдаги 56-сонли буйруғига асосан Н.Исломова коллежнинг "Умум таълим фанлари" кафедрасида ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Авваламбор, илгариги қонунда биржаларнинг ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкинлиги белгиланган бўлса, янги таҳрирдаги қонунда биржаларнинг фақатгина акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши мустаҳкамланди. Шу муносабат билан қонуннинг 5-моддасида биржанинг бошқарув органлари ва биржа бошқарув органларидан бири бўлмиш кузатув кенгашининг ваколатлари белгиланди. Бунда биржа акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи биржанинг бошқарув органлари экани алоҳида қайд этилди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 6-моддаси билан биржанинг ҳуқуқлари доираси янада кенгайтирилди. Чунончи, биржанинг вазифаси бозор нархининг ишончли шаклланишини таъминлаш экани инобатга олиниб, биржага котировкалаш ҳуқуқи берилди. Биржа танлов, кимошди, кўргазма-ярмарка савдоларини, давлат харидлари ва корпоратив харидларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ҳуқуқларига ҳам эга бўлди. Бу эса, биржаларнинг давлат харидлари ва корпоратив харидларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги ролини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги қонуннинг яна бир муҳим жиҳати — бу биржа аъзолари доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кенгайтирилгани билан боғлиқдир. Бунда ҳар бир биржа аъзосининг мақоми ва ўзига хос хусусияти қонунда аниқ белгилаб қўйилди. Жумладан, қонунда биржа битимларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан тузувчи биржа аъзосига дилер сифатида таъриф берилган бўлса, биржа товарлари нархларининг, талаб ва таклифнинг даражасини сақлаб туриш учун ўз зиммасига биржа битимларини тузиш мажбуриятини олган дилерга маркет-мейкер сифатида изоҳ берилди.

Шу ўринда "Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонунга биринчи марта "трейдер" тушунчаси киритилганини алоҳида қайд этиш зарур. Яъни янги таҳрирдаги қонуннинг 13-моддасига кўра, трейдер — биржа савдоларида биржа битимлари тузишга ваколатли бўлган биржа аъзоларининг ходимларидир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, эндиликда биржа аъзолари биржа савдоларида уларнинг номидан биржа битимлари тузишга ваколатли бўлган ўз ходимлари бўлмиш трейдерлар орқали иштирок этиши мумкин.

Шу билан бирга, биржа аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам янги нормалар билан тўлдирилди.

Янги таҳрирдаги қонунда товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш тартибининг белгиланиши, айниқса, муҳим янгилик ҳисобланади. Мазкур қонунга биноан, қимматли қоғозлардан ташқари, товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш муайян тартиб-таомилларни ўз ичига олади.

*Yangi qonun mohiyati*

# Биржалар фаолияти

## қонунчилик асослари такомиллашувидаги муҳим босқич

Бу ҳақда сўз борганда, товар ишлаб чиқарувчининг ёки етказиб берувчининг товарни биржанинг котировкалаш варағига киритиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш; товарнинг биржа товари билан боғлиқ қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш; товарнинг ликвидлилигини баҳолаш; товарни биржанинг котировкалаш варағига киритиш ва уни биржа аъзоларига етказиш каби тартиб-таомилларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Қонунда қимматли қоғозларни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш, яъни биржа листинги ҳам бир қатор тартиб-таомилларни ўз ичига олиши белгиланган. Қимматли қоғозлар эмитентининг ўз қимматли қоғозларини биржанинг котировкалаш варағига киритиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш; қимматли қоғозлар эмитентининг молиявий ҳолатини баҳолаш; қимматли қоғозларнинг ликвидлилигини баҳолаш; қимматли қоғозларни биржанинг котировкалаш варағига киритиш ва уни биржа аъзоларига етказиш тартиб-таомиллари шулар жумласига киради.

Биржа савдоларида биржа аъзолари томонидан тузиладиган биржа битимлари ва уларнинг турлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боис биржа битимлари ва уларнинг турларига оид нормалар янада такомиллаштирилди. Жумладан, илгариги қонунда биржа битимининг фақатгина фьючерс, яъни товарларга доир стандарт контрактларнинг олди-сотди битимлари назарда тутилган бўлса, янги таҳрирдаги қонунда фьючерс битимларга доир қоидалар хорижий давлатлар қонунчилик тажрибалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги заруратдан келиб чиқиб, янада такомиллаштирилди.

Қонуннинг 18-моддасида, ҳуқуқни қўллаш амалиёти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, биржа битимлари нотариал тартибда тасдиқланмаслиги ҳақидаги қоида белгиланганги ҳам алоҳида диққатга моликдир.

Маълумки, биржа савдолари натижалари бўйича тузилган биржа битимларининг ижросини таъминлаш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан, янги таҳрирдаги қонуннинг 19-моддасига тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлашга оид янги модда киритилди.

Натижада биржа савдолари натижалари юзасидан тузилган битимларнинг ижросини таъминлашда биржаларнинг қўшимча маъсулиятини янада ошириш, биржа битими тарафларининг, айниқса, мижознинг манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, хусусий тадбиркорлик субъектларини биржа савдоларига имкон қадар кенг жалб этиш, биржа савдоларида ҳаққоний рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди.

Ушбу моддада белгилангани дек, биржалар тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун муайян шарт-шароитлар яратишга масъул ҳисобланади. Клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш; агар биржа битими шартларида назарда тутилган бўлса, биржа товарларини етказиб беришни назорат қилишни ва ҳисобга олишни амалга ошириш; пул маблағларини ва биржа товарларини олдиндан депонентга қўйишни назарда тутувчи механизмларни белгилаш; биржа савдоси қоидаларига ва биржа битимлари бўйича мажбуриятларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш шулар жумласидандир.

Айтиш керакки, биржа банкрот деб топилган тақдирда, биржа аъзолари ва улар мижозларининг биржа ҳисобварақларидаги мол-мулки тугатиш массасига киритилмайди ҳамда биржа аъзоларига ва уларнинг мижозларига уларнинг биржа битими бўйича мажбуриятлари бажарилганидан кейин қайтарилиши лозим.

Шунингдек, биржанинг мажбуриятлари бўйича ундирувни биржа аъзолари ва улар мижозларининг мол-мулкига қаратишга йўл қўйилмайди.

Биржа аъзоларининг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, биржа битими бўйича мажбуриятларни бажариш тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш фондининг пулли ва қайтариб бериш асосида биржа аъзоларига тақдим этиладиган маблағлари орқали таъминланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, **"Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонуннинг қабул қилиниши биржаларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашга, биржа савдоларининг янада ривожланишига, биржаларда тузилаётган давлат ва корпоратив харидлар динамикасининг ўсишига, биржа савдоларига нисбатан ишончнинг тубдан ошишига хизмат қилади.

Янги қонун, шунингдек, биржа аъзолари, айниқса, мижозларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш, миллий биржа қонунчилигини жаҳон биржа стандартларига уйғунлаштириш, мамлакатимиз биржаларининг дунёдаги энг йирик биржалар сафига қўшилишига эришиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан янада аҳамиятлидир.

**Улуғбек АЛОЕВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими*

*Qonun ijodkorligi*

# Процессуал қонунчиликни такомиллаштириш

## фуқаролик ишларини ўз муддатида, қонуний ҳал этишга ҳамда ортиқча сансалорликнинг олдини олишга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 93-моддасини суд томонидан ушбу кодекснинг 65 ва 390-моддаларига асосан, суд топшириқ хатлари юборилганда суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш ваколатини назарда тутувчи 6-банд билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 93-моддасига ушбу қўшимчанинг киритилиши муносабати билан Фуқаролик процессуал кодексининг 94-моддасини суд муайян иш юзасидан топшириқ хати юборганда, уни ижро этиш бўйича ҳаракатлар тугагунига қадар иш юритишни тўхтатиб туришни назарда тутувчи 9-банд билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда судларда кўрилаётган иш юкламаси кўпайибгина қолмай, уларнинг мураккаблик даражаси ҳам ошиб бормоқда. Буни суд амалиёти таҳлили ҳам тасдиқлайди. Жумладан, бугунги кунда бир неча даъвогарнинг бир неча жавобгарга нисбатан ҳамда кўплаб даъво талаблари мавжуд бўлган, шунингдек, қарши даъво талаблари мавжуд мураккаб тоифадаги ишлар жами судларда кўрилаётган ишларнинг 30-35 фоизини ташкил этади.

Маълумки, мураккаб тоифадаги ишларни қонуний ҳал этиш учун, одатда, муайян процессуал ҳаракатларни, жумладан, ҳужжатларни талаб қилиб олиш, низо предметини жойида мутахассислар иштирокида кўздан кечириш, турли экспертизалар ўтказиш, топшириқ хатлари юбориш, далилларни тўплаш ва баҳолаш каби ҳаракатларни амалга ошириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, маълум вақтни талаб этади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасида фуқаролик ишларини кўриш учун бир ойлик муддат белгиланган.

Суд амалиёти таҳлили айнан мураккаб тоифадаги ишлар бўйича судлар томонидан ишларни кўриш муддати бузилаётганлигини ёки аксинча, муддатни бузмаслик учун ишларни шошилинч тарзда кўриш натижасида хатоларга йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб ҳамда фуқаролик ишларида далиллар бевосита суд муҳокамаси давомида қатор процессуал ҳаракатларни амалга ошириш натижасида тўпланишини назарда тутган ҳолда, қонун лойиҳасида Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддаси учинчи қисмини ўта мураккаб фуқаролик ишларини судда кўришнинг муддатини икки ойга қадар узайтиришни белгиловчи меъёр билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Ўйлаймизки, қонунга таклиф этилаётган ушбу қўшимчаларнинг киритилиши судларда иш кўришнинг процессуал муддатлари бузилишининг олдини олиш ва суд қарорлари барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Маълумки, истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида апелляция институтининг амалга жорий этилгани ўз самарасини бериб, суд хатоликларининг асосий қисми шу инстанцияда бартараф этилмоқда. Жумладан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанцияларида 2013 йилда беш мингдан ортиқ, 2014 йилнинг 9 ойида тўрт ярим мингдан ортиқ иш кўрилгани; 2013 йилда жами суд хатоларининг 45 фоизи, 2014 йил 9 ойида эса, қарийб 43 фоизи бевосита апелляция инстанциялари томонидан бартараф этилгани ҳам апелляция инстанцияси инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида ишларни апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўриш муддатлари ҳам назарда тутилган бўлиб, тегишли инстанцияда ишни кўришда судьялар Фуқаролик процессуал кодексининг 331, 348[12] ва 350-моддаларида қайд этилган муддатларга риоя қилиши қатъий талаб қилинади. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 331-моддасида ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанциясида кўриш учун йигирма кунлик муддат белгиланган бўлиб, ушбу муддат фуқаролик иши шикоят ёки протест билан апелляция инстанциясига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси томонидан ушбу муддат кўпи билан яна ўн кунга узайтирилиши мумкин.

Қонунда кассация инстанциясида иш кўриш учун эса, бир ойлик муддат белгиланган. Ваҳоланки, апелляция инстанциясида, кассация инстанциясидан фарқли равишда, иш тўлиқ ҳажмда кўрилади. Яъни Фуқаролик процессуал кодексининг 332-моддасига асосан, суд ишни апелляция тартибида кўраётганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширади ҳамда у янги далилларни ўрганиб чиқиши ва қўшимча фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ текшириб чиқиши шарт.

Суд амалиёти таҳлиллари апелляция инстанциясида ишни кўриш учун белгиланган йигирма кунлик муддат аксарият ҳолларда етарли бўлмаётганини кўрсатмоқда.

Шунга кўра, қонун лойиҳасида Фуқаролик процессуал кодексининг 331-моддасидаги апелляция инстанциясида иш кўриш муддатини бир ой қилиб белгилаш ҳақида таклиф киритилди.

Суднинг қонуний кучга кирган қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш фуқаролик иши юзасидан қонуний ва асосли суд қарори қабул қилишнинг қўшимча процессуал кафолати ҳисобланади.

2011 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайта кўриш ҳақида 407 та ариза кўриб чиқилиб, уларнинг 277 таси қаноатлантирилган.

2013 йилда эса, бундай мазмундаги 639 та ариза кўриб чиқилиб, уларнинг 392 таси қаноатлантирилган.

Аммо Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва Тадқиқот маркази томонидан ўтказилган мониторинг суд амалиётида суд қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилиш борасида хатоларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда.

Бунга айнан ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида суднинг чиқарган ажрими устидан шикоят бериш ва уни бекор қилишнинг амалда процессуал имконияти йўқлиги сабаб бўлмоқда.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 368-моддасида ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида суднинг чиқарган ажрими устидан шикоят бериш тартиби назарда тутилмаган.

Бу, ўз навбатида, қонуний асос мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам суд қарорлари бекор қилиниши оқибатида судлардаги иш юритиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Амалиётда учраётган бу ҳолатларга барҳам бериш, яъни қонуний асосларсиз суд қарорларининг янги очилган ҳолат бўйича бекор қилинишининг олдини олиш мақсадида, қонун лойиҳасининг 5-бандида, Фуқаролик процессуал кодексининг 368-моддасига ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкинлигини белгиловчи қўшимча киритиш таклифи назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси асосида тайёрланган "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалдаги Фуқаролик процессуал кодексини янада такомиллаштиришга, фуқаролик ишларини ўз муддатида, қонуний ҳал этилишга ҳамда ортиқча сансалорликнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Холмўмин ЁДГОРОВ,**
*Олий суд судьяси*

*Jinoyat va jazo*

# Ҳаловатли умр мезони

## ҳалоллик ва виждон амрига бўйсуниб яшашдан иборатдир

**Ҳаётда ўзининг қадр-қиммати, шаъни ва обрў-эътиборини ўйлаган киши турли хил иллатлардан йироқ юради, доимо эзгу ва савоб ишларнинг бошини тутади. Чунки қинғир ишнинг қийиғи барибир чиқиб, одамни юзшувит қилиши ҳаётда жуда кўп марта ўз исботини топган.**

**Қуйида баён этиладиган воқеа ҳам бу фикрни яна бир карра тасдиқлайди.**

Акмални кутилмаганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага чақириб қолишди. Шундоғам кеча оқшом тўйхонада рўй берган дилхираликдан унинг кўнгли ғаш бўлиб турганди. "Шу можарога қаёқдан ҳам аралашиб қолдим ўзи, — дея кўнглидан кечирди у. — Индамай ўтиб кетсам, олам гулистон эди. Аммо..."

Гап шундаки, у ишлайдиган тўйхонада кеча оқшом тўй бўлганди. Акмал аллақандай юмуш билан ташқарига чиқса, икки киши бир йигитни ўртага олиб, дўппослашаётган экан. У шоша-пиша ўртага тушиб, уларни ажратишга уринди. Шунда ҳалиги жанжаллашаётганлардан бири кутилмаганда Акмалнинг ёқасидан тутиб, зарб билан ўзига тортди-да, юзинг-кўзинг демай бўлмағур сўзлар билан ҳақорат қилди.

Буни эшитиб, табиийки, Акмалнинг асаблари чатнаб кетди ва ҳалиги кимсага қандай қўл кўтарганини ўзи ҳам сезмай қолди. Унинг зарбидан ҳалиги маст кимса "гуп" этиб, юзтубан йиқилди.

Бор-йўқ гап шу. У шу куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага етиб келгач, ҳаммаси ойдинлашди. Маълум бўлишича, Акмалнинг муштидан Шербек Ҳакимов йиқилгач, чап қўлининг тирсак қисмига енгил тан жароҳати етган экан. Шу боис у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилган. Акмал Ропиевга нисбатан Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилганди.

(Давоми тўртинчи бетда)

# мурожаати

## қонун доирасида ҳал этилмоқда

Бундан ташқари Жиззах вилояти адлия бошқармасига Ғаллаорол туманида яшовчи М.Олишбоева Ғаллаорол тумани, "Жийдали" қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан фарзандига ишламаётган оналарга болани икки ёшгача парвариш қилиш учун бериладиган нафақа пули берилмаётгани юзасидан мурожаат қилган.

Адлия бошқармаси томонидан ушбу мурожаат ҳам атрофлича ўрганиб чиқилди ва М.Олишбоевага тўланмаган 434130 сўм нафақа навбатдаги ойлар учун бериладиган нафақалар билан қўшилиб бир йўла тўланишини қонуний ҳал этиш, қонун ҳужжатлари талаби бузилишига йўл қўйган айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун Ғаллаорол тумани ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Тақдимнома натижасига кўра, М.Олимбоевага нафақа пули бериш таъминланди. Шунингдек, бу борада қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган "Жийдали" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Асадов ва котиб Ш.Мўминовларга "Ҳайфсан" интизомий жазоси берилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, қонун доирасида ҳал этилаётгани уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминашга хизмат қилмоқда.

**А.БАЙБЕКОВ,**
*Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими*

*8-dekabr — O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni*

# ИНСОН АЗИЗ, ИНСОН МУКАРРАМ

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бундай оғир турмуш тарзи кўпгина аёлларнинг саломатлигига салбий таъсир этмай қолмаган: ҳомила тушиши, чақалоқлар ўлик ёки нимжон туғилиши кўпайган эди. Жигаргўшасидан жудо бўлган ота-оналар фарзандларига умид билан Тошбўл, Унсин, Турсунбой, Турсуной деб исм қўярди...

Мустабид тузум даврида мамлакатимизда минглаб, миллионлаб инсонлар мана шундай руҳий, маънавий азият чеккан. Бу ҳақда ўйлар эканмиз, истиқлол туфайли ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашдек буюк бахтга эришганимиздан қувончга тўламиз. Мамлакатимизда олиб борилаётган инсон шаъни, қадр-қиммати улуғланган, инсонпарвар сиёсат айнан бизга, келажагимизга дахлдор эканидан ғурурланамиз.

***Тинчликсиз инсон юксалмас***

Мамлакатимизда инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқларидан бири бўлган тинч-осойишта яшаш ҳуқуқини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, бу Президентимиз таъбири билан айтганда, давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам шу билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бир қатор қонунлар мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг ҳамда халқимиз бахтли ҳаётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсоннинг инсон сифатида эмин-эркин яшашига имкон яратадиган тинчлик ва тотувлик ўз-ўзидан келмайди, албатта.

Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобида қайд этилишича, 1991 йилнинг 9 декабрида Наманган шаҳрида бир гуруҳ қўпорувчи кучлар вилоят ижроия қўмитаси биносини эгаллаб олиб, Ўзбекистонни ислом давлатига айлантиришни даъво қилиб чиқишади ва республика раҳбари билан учрашув талаб қилишади. Ислом Каримов эртаси куни тонгда Наманганга етиб келади ва ақидапарастлик ғоялари билан онги заҳарланган, жазавага тушиб, қора кучга айланган жоҳил оломон орасига ҳамроҳларсиз, бир ўзи ҳеч бир иккиланмай шижоат ва шиддат билан кириб боради... Мамлакатимиз раҳбари улар талаб қилаётган йўл қонунга мутлақо зид экани ва ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини вазминлик билан уқтиради, ўзининг салобати ва иродаси билан гувиллаб ётган оломоннинг шаштини сўндиришга, беҳуда қон тўкилишининг олдини олишга муваффақ бўлади.



Президентимиз томонидан ана шундай қатъият ва жасорат билан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарор. Бироқ ён-атрофимизга уйғоқ назар ташласак, дунёнинг турли давлатларида нотинчликлар сабаб одамлар жисман ва маънан эзилаётганига, инсон қадр-қиммати топталаётганига гувоҳ бўламиз. Айрим мамлакатларда деярли ҳар куни бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилаётир. Мактаблар, шифохоналар, маданият ва маърифат масканлари, йирик ишлаб чиқариш иншоотлари, аҳоли турар-жойлари харобага айланмоқда. Бу мураккаб ва қалтис жараёнлар барчамизни ҳамиша сезгир ва огоҳ яшашга чорлаши шубҳасиз.



***Яшаш ҳуқуқи дахлсиздир***

Инсон ҳаёти ҳамма нарсадан азиз, муқаддас ва дахлсиздир. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи ҳисобланади.

Манбаларда қайд этилишича, 1937-1953 йилларда амалга оширилган мудҳиш оммавий сиёсий қатағонлар туфайли Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланган. Инсоний қадри топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида нафақат арбоб ва зиёлилар, балки юзлаб оддий инсонлар бўлган. Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар бевалликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини, минглаб миришкор деҳқонларнинг қулоқ сифатида олис ўлкаларга сургун қилинганини инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг даҳшати янада яққол намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсоннинг яшаш ҳуқуқи дахлсизлиги таъминланди. Конституциямизда ҳам бу алоҳида белгилаб қўйилди. Президентимиз фармонига мувофиқ 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, унинг қадр-қиммати, шарафи бебаҳо қадрият сифатида кўрилаётганининг ёрқин ифодасидир. Улар туфайли эртанги кунимизни, обод ва фаровон келажагимизни бунёд этмоқдамиз. Ўзбекистоннинг бу борадаги дадил қадамларини жаҳон жамоатчилиги ҳам улкан тарихий ҳодиса сифатида эътироф этмоқда.

***Ўзбекистон — бахтли инсонлар мамлакати***

2014 йил 4 июнда Gallup World институти Ўзбекистон жаҳоннинг 30 та энг бахтли мамлакатлари қаторидан ўрин олганини эълон қилди. Институт ўтказган тадқиқотларга биноан, мамлакатимиз аҳолисининг бахтиёрлик ва хушкайфиятлилик индекси (Positive Experience Index)га кўра, жаҳоннинг 138 мамлакати орасида 29-ўринни эгаллаган.

Ҳа, Ўзбекистонимиз халқ фаровонлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган очиқ демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида кўпчилик учун ўрнак бўладиган мамлакатга айланмоқда. Одамларимиз бугунига шукрона айтиб, эртасидан эзгу умидлар билан яшаётгани, юртимизда тинчлик ва осойишталик, ривожланиш барқарор экани амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараларидир.

**Дилшод КАРИМОВ,**
*ЎзА шарҳловчиси*

---

*G`aroyib olam*

**Бир қарашда, табиатда инсон қўли етмаган манзил-макон ҳам, кашф қилинмаган сир-синоат ҳам деярли қолмагандек туюлади. Аммо нозиктаъб ва синчков илм аҳли қаршисида уммон сирлари тобора кенгайиб бораяпти ва диққатни ўзига жалб этмоқда. Қуйида ана шундай ажойиб сув жониворлари —антиқа балиқлар ҳақида ҳикоя қиламиз.**

# Биз билган ва билмаган дунё

## УММОН СИРЛАРИ

Маълумки, бугунги кунгача куйловчи балиқларнинг жуда кўп турлари аниқланган бўлиб, баъзи мамлакатларда уларнинг "ижро"лари магнит тасмасига ҳам ёзиб олинган.

Мутахассисларнинг фикрича, балиқлар турли-туман оҳангларда куйлар экан. Масалан, Қора денгиз ва Ўрта ер денгизи сувларида яшовчи "Сцена" номли балиғи кўпайиш мавсумида бир неча хил ғаройиб овоз чиқариши кузатилган. Одатда, иссиқ денгиз сувларида ҳаёт кечирувчи денгиз хўрози деб ном олган балиқ эса, йил давомида куйлаб ҳаёт кечиради. Ноғора чалинишига ўхшаган товуш чиқарувчи балиқларни эса, биолог олимлар "ноғорачилар" деб аташади. Хитойдаги йирик дарё ва кўлларда худди чақалоқ йиғисидек овоз чиқарадиган балиқ учрайди. Аслида бу "йиғи" унга тегишли эканлиги маълум бўлгунга қадар бу ҳақда турли ривоятлар тўқилган.

Иссиқ тропик денгиз сувларида, Африка ва Жанубий Америка дарёларида ўзларидан вақтинча ёки доимий электр зарядларини чиқарувчи балиқларнинг бир неча ўнлаб турлари учрайди. Маҳаллий халқ бу балиқни "момақалдироқ балиқ" деб атайди. Электр балиқлар ўз қувватларидан ўлжасини тутиш ёки ўзларини хавф-хатардан ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланадилар.

Улар орасида энг хавфлиси Ўртаер денгиз скати — торпедоси ҳисобланади. У худди гитарага ўхшаган бўлиб, узунлиги 30 сантиметрдан 2 метргача етади. Электр скат иссиқ кунлари сув юзасига кўтарилади. Агар бу пайтда денгиз қирғоқларида саёҳатчилар дам олаётган бўлса, худди ток ургандек бўлиб, анча ваҳимага тушишади.

Бундан ташқари балиқлар ичида яна бир кучли электр қувватини ҳосил қиладиган "угорь" балиғи ҳам бўлиб, унинг гўшти мазали бўлгани учун маҳаллий халқ уни севиб истеъмол қилади. Аммо уларни овлаш ўта хавфли бўлгани боис балиқчилар "угорь" балиғини электр қувватлари ҳосил қилолмаслик хусусиятларидан фойдаланиб овлашади, холос. Яъни балиқчилар аввал дарёга қора молларни ҳайдайди, балиқлар эса, уларга ҳужум қилиб, электр захирасини беҳудага исроф қилади. Сўнгра балиқчилар сувдан молларни ҳайдаб чиқариб, балиқларни тутишга киришадилар.

Марказий Африка чўлларида эса, "ажина" деб ном олган балиқ тури яшайди. Тасаввур қилинг, бирдан шаррос ёмғир ёғади ва сувлар йиғилиб, кичик жилғага айланади. Сўнгра чуқурроқ жойга бориб тўплана бошлайди. Сал ўтмай эса, худди шу ёмғир сувларида полиптерус балиқлари сузиб юрганини кўриш мумкин. Бу балиқлар Марказий Африкадаги Чад каби чучук сувли кўлларда, Сенегал, Нил ҳамда Конго дарёларида кенг тарқалган бўлиб, уларда жабра билан бирга атмосфера ҳавосидан қўшимча нафас олиш органи — ўпка ҳам ривожланган. Қурғоқчилик бошланганда кўл суви қуриб қоладиган ҳавзаларда яшовчи полиптеруслар балчиққа ботиб, балчиқ кўринишда ҳосил бўладиган "пилла" ичида карахт бўлиб, ўпкасидан нафас олиб, то етарли даражада сув йиғилгунга қадар ётаверар экан.

Айрим балиқ турлари одамларни даволаш хусусиятига ҳам эга. Масалан, Испанияда 200 йилдан ортиқ вақт давомида айрим тери касалликларини даволашда фақат балиқлар ёрдамидан фойдаланиб келинган.

Даниялик муҳандислар эса, аксинча, касалланган балиқларни эмлаш учун қурилма яратишди. Қурилманинг ўзи балиқларни бир жойга тўплайди ва ўзи балиқ танасига игна санчади. Ҳар бир муолажадан сўнг игна янгиланмайди, балки унинг ўзи автоматик тарзда микроблардан тозаланади. Мазкур ускуна бир соатда 2200 та балиқни эмлаши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, балиқ овчилиги яқин орада пайдо бўлган касб эмас. Бундан 6 минг йил муқаддам ҳам одамзот қайиқдан фойдаланган ҳолда балиқ тутган. Шарқий Грециянинг Кастория шаҳри яқинида грек қадимшунослари томонидан топилган ноёб кема қолдиқлари шундай хулоса чиқаришга ундайди. Олимларнинг айтишича, узунлиги тўрт метрдан ортиқ бўлган топилма, яъни қайиқ мустаҳкам дарахт бўлагидан ясалган. Топилманинг атрофларида суяк ва тошдан ясалган турли хил ов қуроллари ҳам учраганки, улар бевосита балиқ овлаш билан шуғулланганидан далолат беради.

**Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**

---

*Jinoyat va jazo*

# Ҳаловатли умр мезони

## ҳалоллик ва виждон амрига бўйсуниб яшашдан иборатдир

**СУД ОЧЕРКИ**

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Шундан сўнг Акмал Шербек Ҳакимов билан учрашди. Тўғриси, унинг кўнглида Ш.Ҳакимовдан узр сўраш нияти бор эди. Бироқ у Ш.Ҳакимовнинг "мени бир мушт урдинг, ҳали кўп жавоб берасан", деган гапини эшитди-ю, нима дейишини билмай қолди. Кўнгли баттар хира тортиб, индамай изига қайтди. Фақат орадан бир неча кун ўтгач, Шербекнинг ўзи кутилмаганда унга қўнғироқ қилиб, фалон қаҳвахонада ўтирибман, тез етиб кел, деди аллақандай буйруқнамо оҳангда. Акмал нима гап экан, дея тезда етиб борди. Қараса, Шербек қаҳвахонада кайфияти чоғ, ўтирибди. У Акмални кўргач, ёнига чақирди ва еган овқатларининг ҳақи битилган қоғозни унинг қўлига тутқазиб, тўлаб қўй, дея ишора қилди. Ҳисоб қоғозида 62 минг сўм қайд қилинганди. Акмал Шербек шу билан зора инсофга келса, деган ўйда тўловни тўлади.

Эртаси куни эса, Шербек яна Акмалга қўнғироқ қилди. Бу сафар у муддаосини очиқ айтди: машинамнинг мойи эскирган, шуни янгилаб бер!

Акмал Шербек шу билан ярашувга рози бўлса керак, деган умидда унинг айтганини иккиланмай бажарди. Уч литр мотор мойини дўкондан 36 минг сўмга сотиб олди ва Шербекка етказди.

Шундан кейин ўн кунча Акмалнинг қулоғи тинчиди. Бироқ... Кунларнинг бирида кечга томон Шербек яна телефонда Акмал билан боғланди. "Менга бир миллион беш юз минг сўм келтириб берсанг, — деди у. — ишинг ёпилиб кетади. Агар айтганимдек қилмасанг, қаматаман".

Гувоҳи бўлганингиздек, Шербек очиқдан-очиқ дўқ-пўписага ўтганди. Акмал бунча пулни топа олмаслигини айтиш учун у билан учрашди.

Бироқ Шербек сира муросага келадиганга ўхшамасди. Шу боис эртаси куни эрталаб Акмал отасидан 200 минг сўм олиб, яна Шербекка учрашди.

— Қолган бир миллион уч юз минг сўмни қачон олиб келасан? — сўради Шербек. — Бугун соат учларда сенга қўнғироқ қиламан. Топиб бермасанг, билиб қўй, ўзингга қийин бўлади.

Акмал унинг сўзларини эшитиб, кўнгли баттар қоронғи тортиб кетди. У чиндан ҳам, оғир аҳволга тушиб қолган, Шербек айтган пулни берай деса, кимдан қарз кўтаришни билмасди. Пулни бермай деса... Хуллас, у ўйлай-ўйлай ахийри, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилди. Шундан сўнг тезкор тадбир режаси тузилди. Бу томонда эса, Шербек Ҳакимов Акмалга дам-бадам қўнғироқ қилиб, пулни тезроқ етказишни талаб қиларди...

* * *

Кези келганда шуни айтиш жоизки, Акмални турли хил ёлғон гаплар билан қўрқитиб, моддий ва мулкий наф кўриб юрган Шербек бу орада яна бир жиноий қилмишга қўл уриб улгурганди. Гап шундаки, Шербек Ҳакимов бундан тўрт йил муқаддам Зарафшон шаҳрига бораётиб, йўлда Шоира исмли аёл билан танишиб қолади.

Шундан сўнг орадан тўрт йил ўтгач, улар яна тасодифан бозорда учрашиб қолишди. Бу пайтда Шоира жияни Комилни жойга ишга жойлаштириш ниятида юрган эди. Ўзаро салом-аликдан сўнг гап айланиб, Шоиранинг жияни Комилни ишга жойлаштиришга бориб тақалди.

— Жиянингизни ишга жойлаштириб қўйиш қўлимдан келади, — деди Шербек Кармана туманидаги нуфузли корхоналардан бирининг номини тилга олиб. — Шу корхонада яхши танишим бор. Фақат унга олдиндан икки миллион сўм бериш лозим.

Айтиш керакки, Ш.Бекназарова ўта ишонувчан аёл эди. Бунинг устига товламачи Ш.Ҳакимов ўзини гўё қўлидан ҳамма иш келадигандек кўрсатиб, уни ишонтирди. Ш.Бекназарова ҳатто шундай таниши борлигидан ич-ичидан қувонди ва Шербекнинг қўл телефони рақамини ёзиб олди.

Эртаси куни Шоира келишилган жойга етиб келса, Шербек кутиб турган экан. У Шербекка икки миллион сўм, Комилнинг фуқаролик паспорти, ҳарбий хизмат гувоҳномаси, диплом нусхасини берди.

— Кеча суриштиргандим, — дея гап бошлади Шербек. — Ҳалиги корхонанинг ходимлар бўлими бошлиғи хизмат сафарида экан. Ҳозир ҳужжатлар билан пулнинг ярмини қолдиринг. Иш ҳал бўлгач, қолганини ҳам берасиз.

Шундан сўнг орадан кунлар бир-бирини қувиб ўтди. Шоира тез-тез Шербекка қўнғироқ қилар, лекин тайин жавоб ололмасди. Охир-оқибат Ш.Ҳакимов унинг тинимсиз қўнғироқларига умуман жавоб бермай қўйди.

Шундагина Ш.Бекназарова фирибгарга "чув" тушганини англаб етди. Энг ёмони, Ш.Ҳакимов жияни Комилнинг ҳужжатларини ҳам олиб кетган эди. Ш.Бекназарова шуларни ўйлаб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилди.

* * *

Биз юқорида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан товламачиликда гумон қилинган Ш.Ҳакимовни жиноят устида ушлаш тадбири тузилгани тўғрисида фикр юритгандик. Кейинги воқеалар ривожи шундай кечади: Акмал пулни айтилган жойга элтиб беради. Ш. Ҳакимов пулни олаётган пайтда жиноят устида қўлга тушади.

Шоира Бекназарованинг аризаси юзасидан Навоий шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари суриштирув олиб боришади. Бу пайтда Ш.Ҳакимов товламачилик жиноий қилмиши учун ҳибсга олинган эди. Кейинчалик шу нарса маълум бўлдики, фирибгар Ш.Ҳакимов ҳақиқатан ҳам, Ш.Бекназаровани Комилни ишга жойлаштираман деб "чув" туширган экан. Чунки судланувчи тилга олган корхона ходимлар бўлими бошлиғи терговда ва судда Ш.Ҳакимовни умуман танимаслигини айтди. Шунингдек, Комилни ишга жойлаштириш юзасидан судланувчи ҳам, унинг ўзи ҳам мурожаат қилмаган экан.

Айтиш керакки, тергов ва суд жараёнида Ш.Ҳакимовнинг қилмишлари тўлиқ ўз исботини топди. Суд уни Жиноят кодексининг 165-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 1-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топди. Судланувчига ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жазо тайинлаб, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Гувоҳи бўлганингиздек, Ш.Ҳакимовнинг қилмишлари, аввало, унинг ўзига қимматга тушди. Яъни унга суд томонидан қилмишига яраша қонуний жазо тайинланди.

Шу ўринда ушбу мақолага якун ясасак ҳам бўларди. Аммо Ш.Ҳакимовнинг қилмишлари ҳақида ўйлаганда, кўнгилда баъзи фикр-мулоҳазалар ҳам туғилади.

Гап шундаки, Ш.Ҳакимовнинг фирибгарлик ва товламачилик жиноятини содир этишда жабрланувчиларнинг ҳам айби йўқ эмас. Масалан, Акмал Ропиев қонун талабларини яхши англаганда, етказилган енгил тан жароҳати учун жазо меъёрини Ш.Ҳакимов эмас, балки суд белгилашини билар ва товламачининг алдовларига ишонмасди. Жабрланувчи Ш.Бекназарова ҳам жиянини ишга жойлаштириш учун қонуний йўлни танлаганда, бунчалик сарсон бўлмасди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўзгалар ишончини суиистеъмол қилиш ёхуд товламачилик йўли билан мулкий наф кўришга уринган кимса эртами-кечми, қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади. Шундай экан, ҳаётда ҳалол меҳнат қилган, виждон амрига бўйсуниб яшаган инсон эл ўртасида ҳурмат-эҳтиром қозонибгина қолмай мазмунли ва ҳаловатли умр кечиришини доимо ёдда тутайлик.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**КУЧ—АДОЛАТДА**

*МУАССИС:*
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Бош муҳаррир:*
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

*Навбатчи муҳаррир:* Сардор ҲАМРОЕВ
*Саҳифаловчи:* Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1022. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7545.
1 2 3 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰